

Т.С.Расулов – ТДШИ профессори,
Қ.Б.Шарипов – ТДИУ катта ўқитувчиси

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ушбу мақолада озиқ-овқат хавфсизлиги иқтисодий хавфсизликнинг муҳим турларидан бири эканлиги, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бориши, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг моҳияти, озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг муҳим шартлари, озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини баҳолаш кўрсаткичлари, МДҲ мамлакатларининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлаш даражасининг тавсия этилаётган бўсағавий қиймати, Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва озиқ-овқат захираларини янада кўпайтириши масалалари юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

This article discusses how food security is one of the most important types of economic security, the increasing demand for food products, the essence of food security, essential food safety requirements, food safety assessment indicators, the recommended cost of self-sufficiency in products, the provision of food security in Uzbekistan and the further increase of food reserves scientific proposals and practical recommendations have been developed.


В этой статье обсуждается, как продовольственная безопасность является одним из наиболее важных видов экономической безопасности, растущим спросом на продовольственные товары, сутью продовольственной безопасности, необходимыми требованиями безопасности пищевых продуктов, индикаторами оценки безопасности пищевых продуктов, рекомендуемая стоимость самообеспечения в продуктах, обеспечение продовольственной безопасности в Узбекистане и дальнейшее увеличение запасов продовольствия научные предложения и практические рекомендации.

Калит сўзлар: *иқтисодий хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, эҳтиёж, аҳоли сони, иқтисодий ўсиш, ЯИМ, бўсағавий қиймат, аграр сектор*

“Иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси энг умумий тарзда мамлакатнинг моддий ва номоддий, қайта тикланадиган ва тикланмайдиган иқтисодий салоҳиятини ифодалайди.

“Иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси иқтисодий категория сифатида миллий иқтисодиёт мустақиллиги, унинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги, доимо янгилашишга ва ўз-ўзидан такомиллашиб боришга қодирлигини таъминловчи шарт-шароитлар ва омиллар йиғиндисини билдиради.

Озиқ-овқат хавфсизлиги иқтисодий хавфсизликнинг муҳим турларидан бири бўлиб ҳисобланади (1-расм).



1-расм. Хўжалик фаолияти соҳаларидаги иқтисодий хавфсизлик турлари

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” [1] лозимлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтган.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда таъминланишини, импортга боғлиқликни минимум даражасига эришишни ифодалайди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун икки йўналишда чора-тадбирлар амалга оширилди:

- қишлоқ аҳолиси томорқа майдонларини кенгайтириш ва янгиларини ажратиб бериш;

- қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини қайта кўриб чиқиш.

Давлатнинг озиқ-овқатга оид сиёсати картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари билан ҳам ўз-ўзини таъминлашни кўзда тутди. Аҳолига етарли даражада чорвачилик маҳсулотлари ва ўсимлик ёғи етказиб бериш,

кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш учун зарур бўлган базани барпо этиш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари асосий турларининг етарли захирасини шакллантириш, уларнинг чакана баҳолари барқарорлигини таъминлашга эришиш, четдан келтирилаётган маҳсулотлар ҳажмларини қисқартириб бориш кабилар ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида “Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади” деб таъкидлаб ўтди [3].

Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси биринчи бор 1974 йилда Жаҳон озиқ-овқат саммитида таклиф қилинган бўлиб, “озиқ-овқат истеъмолчининг барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ва нархларнинг ўзгаришларини қоплаш учун асосий озиқ-овқатларнинг дунёда етарли жамғармалари ҳар доим мавжудлигини” англатади. Кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва тўйимлилиги ҳамда шахсий ҳоҳишларни ҳам инобатга олиш мақсадида озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси кенгайтирилди. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида мавжуд замонавий адабиётда жуда кўп тушунча ва кўрсаткичлар мавжуд. Озиқ-овқат хавфсизлигига оид кўп тушунчалар ва кўрсаткичлар мавжудлигига қарамай, мазкур ғоянинг ўта муҳимлигини ҳамма эътироф этган.

1996 йилда Жаҳон Озиқ-овқат хавфсизлиги саммити озиқ-овқат хавфсизлигини шарт сифатида белгилади: “...барча одамлар ўз озиқланиш эҳтиёжлари ва шахсий ҳоҳишларига биноан ҳамда фаол ва соғлом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига етарли ва иқтисодий жиҳатдан эга бўла олиши”.

2001 йилда озиқ-овқат хавфсизлиги ғоясига моддий ва иқтисодий имкониятдан ташқари ижтимоий имконият тушунчаси ҳам қўшилди. Ҳозирги ФАО белгилаган тушунча мазкур қўшимча жиҳатни қуйидагича акс эттиради: “барча одамлар ўз озиқланиш эҳтиёжлари ва шахсий ҳоҳишларига биноан ҳамда фаол ва соғлом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиши учун жисмонан, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлари мавжудлиги озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланди деганидир” [6].

Озиқ-овқат хавфсизлиги бу иқтисодиётнинг шундай ҳолати бўлиб, бунда жаҳон бозорлари тебранишларидан қатъий назар бир томондан, илмий асосланган кўрсаткичларга мос миқдорларда, иккинчи томондан тиббий меъёрлар даражасида истеъмолни қондириш учун шарт-шароит яратилган ҳолда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш кафолатланади [7].

Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиб боришини бизнингча қуйидагилар орқали изоҳланади. Биринчидан, аҳоли сонининг ўсиб бориши билан озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж миқдор

жихатдан ортиб боради. Масалан, 1804 йилда дунё аҳолиси 1 миллиард кишини ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда эса 7 миллиарддан ортиқни ташкил этмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Дунёда ҳар миллиард аҳоли сонининг кўпайиб бориши ва унинг истиқболлари [8]

Аҳоли сони	Йил	Ҳар миллиард аҳоли сони кўпайишининг олдинги давр билан фарқи
1 миллиард	1804	--
2 миллиард	1927	123
3 миллиард	1960	33
4 миллиард	1974	14
5 миллиард	1987	13
6 миллиард	1999	12
7 миллиард	2011	12
8 миллиард	2025	14
9 миллиард	2043	18
10 миллиард	2050	7

Жадвалдан кўришиб турибдики, сўнги 200 йилдан аҳоли сони деярли 7 баробарга ўсган. Озиқ-овқат маҳсулотлари эса ерда етиштирилади. Ернинг юзаси ўзгаргани йўқ. Қолаверса, кейинги йилларда чўллашиш даражасининг ошиши, экин ерларининг шўрлашиб бориши натижасида тупроқ унумдорлигининг пасайиши кузатилмоқда.

Иккинчидан, аҳоли даромадларининг ўсиб бориши ҳам озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни миқдор ва сифат жиҳатдан ўсишига сабаб бўлмоқда. Кейинги йилларда дунёда аҳоли сони кўп бўлган мамлакатларнинг иқтисодиёти ўсиб бориши ҳам озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу борада биринчи президентимиз И.А.Каримов "... Хитой, Ҳиндистон каби Осиёнинг бир қатор мамлакатларида аҳоли даромадларининг жадал суръатлар билан кўпайиб, шунга мос равишда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажми ортиб бораётганини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди" [2] деб таъкидлаб ўтган.

Учинчидан, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган уларнинг хилма-хиллиги жиҳатидан ҳам ўсиб бормоқда. Яъни бу ерда озиқ-овқат маҳсулотлари турларининг кўпайиши, янги турдаги навларнинг яратилиши, озиқ-овқат маҳсулотларидан тайёрланадиган бошқа янги турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларни ўсиб боришини тушунишимиз керак.

Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг асосий мақсади ички ва ташқи салбий таъсирга боғлиқ бўлмаган ҳолда қайта ишловчи корхоналарни хомашё, аҳолини- озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдир. У ҳатто валютанинг етишмаслиги, четдан маҳсулотларни олиб киришда эмбарго (бошқа мамлакатлар томонидан тўсиқлар қўйиш) нархларнинг ўсишига боғлиқ бўлмаган бўлиши керак.

Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг муҳим шартлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

– ҳар бир инсон учун озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли бўлиши (етарли миқдорда унинг таклифи);

– аҳоли барча ижтимоий тоифалари, шу жумладан кам таъминланган аҳоли томонидан озиқ -овқат маҳсулотларини сотиб олишнинг иқтисодий жиҳатдан имконияти (истеъмолчилик талабининг тўлов қобилияти);

– меъёردа овқатланиш учун юқори сифатли маҳсулотларни истеъмол қилишнинг етарли миқдорда бўлиши [5].

ФАО мутахассислари фикрига кўра озиқ-овқат хавфсизлиги жиҳатидан ҳолат озиқ-овқат хавфсизлиги омиллари, кўрсаткичлари, таъминот барқарорлиги, эга бўлиш имконияти ва соғломлиги билан белгиланади. Улар қуйида батафсил белгиланган.

Барқарорлик: озиқ-овқат таъминоти узилмаслиги учун аҳоли, оила ёки алоҳида ахс ҳар доим озиқ-овқатга эга бўла олиши лозим. Улар қутилмаган ҳодисалар (масалан, иқтисодий ёки иқлимий бўҳрон) ёки циклик ҳодисалар (масалан, иқлимий озиқ-овқат танқислиги) туфайли озиқ-овқатдан узилиб қолмаслиги лозим.

Озиқ-овқат мавжудлиги: зарур сифатли озиқ-овқат маҳсулотларининг зарур миқдорда ички ишлаб чиқариш ёки импорт орқали (шу қатори озиқавий кўмак) таъминоти. Озиқ-овқат мавжудлигининг энг кўп қўлланилувчи воситаси калорияларда ҳисобланувчи жон бошига кундалик энергия сарфидир (КЭС). ФАО услубларига кўра КЭС кўрсаткичи озиқ-овқат балансига асосланган озиқа истеъмоли турига биноан ҳисобланади. ФАО муайян товарларни озиқ-овқат таъминотининг турли манбалари (ишлаб чиқариш, жамғармалар, савдо) ва маҳсулотлардан турли мақсадларда фойдаланишга (ёки истеъмол) (ем, уруғлик, саноатда фойдаланиш, чикитлар) оид маълумотлардан фойдаланиб, озиқ-овқат балансларини ҳисоблайди [5].

Озиқ-овқатга эга бўла олиш: тўйимли озиқланиш учун зарур озуқаларга эга бўлиш мақсадида зарур ресурслардан фойдаланиш учун моддий, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлар.

Озиқ-овқатнинг моддий таъминоти озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчилар талаб қилган миқдор ва танловда бозорда мавжудлиги ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун инфратузилма бўлишини назарда тутаяди.

Иқтисодий имконият аҳолининг барча ижтимоий қатламлари етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга қурби етишини билдиради. Бошқача айтганда, иқтисодий имконият уй хўжаликлар озиқ-овқат хариди учун етарли даромадга эгаллиги ва мамлакат озиқ-овқат импорти учун етарли хорижий валютага эгаллигини билдиради.

Ижтимоий имконият маданият ёки диндан қатъий назар, бутун аҳоли вдовлатли равишда озиқ-овқат билан таъминланишини англатади.

Фойдаланиш: мувофиқ озиқланиш, тоза сув, санитария ва соғлиқни сақлаш орқали озиқ-овқат истеъмол қилиш билан барча физиологик эҳтиёжлар қондирилувчи ҳолатга етиш. Бирор кўрсаткичга етишмаслик озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси пастлиги ёки озиқ-овқат етишмаслигига олиб келади.

Озиқ-овқат етишмаслиги шундай вазиятки, аҳоли меъерда ўсиш, ривожланиш ҳамда фаол турмуш тарзи учун зарур бўлган хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқатларни етарли миқдорда ололмайди.

Озиқ-овқат етишмовчилиги ёки озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси пастлиги аҳоли орасида қониқарсиз озиқланишга олиб келиб, у ўз навбатида одамлар, оилалар ва бутун мамлакат аҳолиси учун жиддий оқибатларга олиб келади.

Миллий даражада озиқ-овқат хавфсизлигига даражасининг таҳлили озиқ-овқат баланси (ООБ) да, яъни мамлакатда озиқ-овқат мавжудлигида акс эттирилади. ООБ муайян даврда мамлакатда озиқ-овқат таъминоти ва инсон истеъмоли учун мавжуд озиқ-овқат миқдори ва уларнинг озуқавий қийматига оид статистик маълумотларнинг ҳисоб-китобларини таъминлайди. Озиқ-овқат балансида озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва импортга оид маълумотлар йиғилган бўлиб, мамлакатда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги шароитини ҳамда мамлакат қай даражада импортга қарамлигини (импортга қарамлик кўрсаткичи) баҳолашга имкон беради.

Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади:

- мамлакатнинг барча ҳудудида тўловга қобил талабга мос келадиган миқдорда ва ассортиментда озиқ-овқат маҳсулотларининг доимий равишда мавжудлиги;

- барча истеъмолчилар учун унинг ижтимоий мақоми ва яшаш жойидан қатъий назар озиқ-овқат маҳсулотларини минимал даражада истеъмол қилиш имкониятининг мавжудлиги;

- озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги – инсон учун ушбу маҳсулотни яроқсиз ҳолга келтирувчи ёки хавфли бўлган моддаларнинг мавжуд эмаслиги;

- озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, яъни ҳар куни инсон томонидан унга зарур бўлган миқдордаги калория ва озуқавий компонентларнинг унинг ёши ва фаолият соҳасига боғлиқ равишда истеъмол қилиниши. Бунда овқатланиш сифати овқатда мутасадди органлар томонидан тавсия қилинган рационал меъёрларга мувофиқ келадиган оқсил, ёғ, углеводлар, витаминлар, макро ва микроэлементларни уйғунлаштириш орқали таъминланади [5].

Юқорида кўрсатилган аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини умумлаштирувчи мезони белгиланади. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишини баҳолашда муайян белгилари асосида ҳам миқдори, ҳам сифати бўйича бўсағавий қиймат бутун дунёда мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари

билан ўз-ўзини таъминлаши ва ўткинчи заҳираларнинг даражаси ҳисобланадики, бу заҳираларнинг 15-20 %ини ташкил қилиши керак [9].

Халқаро ташкилотлар миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш учун МДХ иштирокчилари бўлган давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини ошириш концепциясида таклиф этилган кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин. МДХ аъзолари бўлган давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини ошириш концепцияси 2010 йил 19 ноябрда МДХ ҳукумат бошлиқлари Кенгашининг Қарори билан тасдиқланган бўлиб, унда мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар мажмуи келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

№	Озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини баҳолаш кўрсаткичлари
1	озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш учун иқтисодий имкониятларнинг мавжудлиги-озиқ-овқатларга кетадиган харажатларнинг барча турдаги товар ва хизматларга қилинадиган жами харажатларга нисбатидир;
2	ички бозорнинг айрим озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича салоҳиятли сиғими-муайян озиқ-овқат маҳсулотини рационал истеъмол қилишнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорининг шу маҳсулотни истеъмол қилишнинг амалдаги миқдорига кўпайтмасидир;
3	айрим озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича озиқ-овқат мустақиллигининг даражаси-аниқ турдаги озиқ-овқат маҳсулотини мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариш ҳажмининг шу маҳсулотни амалда истеъмол қилиш ҳажмига нисбатидир;
4	биологик сифат кўрсаткичи маҳсулотнинг озуқавий қиммати бўлиб, 1 грамм озиқ-овқат маҳсулотида ҳаётий муҳим озуқавий моддалар ва энергиянинг миқдори билан белгиланади: энергетик қувват (ккал), оксил (мг), ёғлар (мг), углеводлар (мг);
5	биологик хавфсизлик кўрсаткичи озиқ-овқат маҳсулотидаги зарарли ингредиентларнинг миқдори билан белгиланади, у йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрий даражадан ошмаслиги керак;
6	инсон рационининг суткалик озуқавий ва энергетик қиммати;
7	ҳар бир алоҳида озиқ-овқат маҳсулотини истеъмол қилишнинг етарлилик даражаси;
8	давлат ресурсларида дон заҳираларининг етарлилик даражаси;
9	тоза ичимлик суви заҳираларининг етарлилик даражаси;
10	аҳолининг ҳар хил тоифалари учун озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш имкониятларининг мавжудлик даражаси;
11	мамлакат озиқ-овқат таъминоти ҳамда агросаноат мажмуалари ресурс таъминотининг импортга қарамлиги даражаси;
12	стратегик, оператив ва ўткинчи озиқ-овқат заҳираларининг уларнинг меъёрий даражалига таққосланган ҳажмлари;
13	мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги ва балиқ маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг уларни умумий истеъмол қилиш ҳажмидаги ва товар ресурсларидаги улуши (солиштира ҳиссаси);
14	озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган физиологик эҳтиёжларнинг уларнинг хавфсизлиги, озуқавий энергетик қимматини ҳисобга олган ҳолда қондирилиш даражаси;
15	ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги ва балиқ маҳсулотлари, хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ички бозордаги товар ресурслари умумий ҳажмидаги солиштира ҳиссасини фойздаги ифодаси.

МДХ нинг аъзолари бўлмиш давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш даражасининг мажмуавий баҳоси сифатида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги ва балиқ маҳсулотлари, хомашё ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг ички бозордаги товар ресурсларининг умумий хажмига бўлган нисбатининг фоиздаги ифодасидан фойдаланилади [5].

МДХ аъзолари бўлган давлат учун ўрта муддатли истиқболда қуйидаги бўсағавий қиймат тавсия этилган (3-жадвал).

3-жадвал

МДХ мамлакатларининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлаш даражасининг тавсия этилаётган бўсағавий қиймати

Маҳсулот номи	Ўз-ўзини таъминлаш даражасининг тавсия этилаётган бўсағавий қиймати, % дан кам бўлмаган
Дон	95
Сут ва сут маҳсулотлари (сутга қайта ҳисобланган ҳолда)	90
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари (гўштга қайта ҳисобланган ҳолда)	85
Балиқ маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, шакар	80

Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолашнинг халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида таклиф этилган асосий бўсағавий қиймат ва кўрсаткичларидан ташқари мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги салоҳият даражасини қуйидаги йўналиши ва мезонлар бўйича инобатга олиш ҳамда баҳолаш лозим:

– қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш салоҳияти, у мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари, ерлар ва меҳнат ресурслари бўйича баҳоланади;

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тараққиёт ва барқарорлик даражаси, бунда мавжуд техника ва технологияларнинг амалдаги сифати, АСМ тармоқлари ва ташкилотларининг молиявий-иқтисодий ҳолатини баҳолаш натижалари инобатга олинади;

– мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминланганлик даражаси, бунга бюджетдан молиялаштириш ва бошқа манбалар ҳам киритилади;

– мамлакатимиздаги ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилаётган аграр маҳсулотлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати;

– импортнинг кўлами, жумладан мамлакатдаги ишлаб чиқариш билан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари билан таққосланган ҳолда;

– озиқ-овқат маҳсулотларининг очиклик даражаси билан импорт интервенциясига қарши таъсир кўрсатиш механизми;

– атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва таъқиқланган препаратлар, технологиялар, жумладан ген-модификациялашган организм (ГМО), ўсишни рағбатлантириш воситалари, антибиотиклар ва бошқалардан фойдаланиш нуқтаи-назаридан тармоқнинг экологиялашганлик даражаси;

– озиқ-овқат хавфсизлигига қўйилган талабларнинг ҳуқуқий қонунчилиқка, меъёрий ҳужжатлар тизимига, давлат аграр сиёсатининг йўналишларига ҳамда жаҳон тенденциялари ва меъёрларига мослиги;

– озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид ва таҳликалар.

Маълум бир даврда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши нуқтаи-назаридан озиқ-овқат хавфсизлигининг эришилган даражасини қуйидаги кўрсаткичлар нуқтаи-назаридан баҳолаш мумкин [5] (4-жадвал):

4-жадвал

Озиқ-овқат хавфсизлигининг эришилган даражаси нуқтаи-назаридан баҳоловчи кўрсаткичлар

1.	Асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг жон бошига тўғри келадиган миқдори.
	Ушбу кўрсаткич ёрдамида иқтисодиётнинг мазкур секторидаги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг динамикасини кўриб чиқиладиган даврда аҳоли сонининг ўзгаришини инобатга олган ҳолда баҳолаш мумкин.
2.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тавсия этилган стандартларига ва халқаро стандартларга мослиги.
	Шу стандартларга мувофиқ ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг уларни жон бошига истеъмол қилишининг етарли даражасини таъминлаш учун миқдор ва сифат таркибини тавсия этиш мумкин.
3.	Асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар.
	Давлат ёки ҳудудлар даражасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини тезкор баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин: <ul style="list-style-type: none"> – қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бутун фаолиятдан олинган қолдик натижа (фойда минус зарар); – фойда олиб ёки зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони; – умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ва жумладан ўсимликчилик ҳамда чорвачиликнинг рентабеллик даражаси.


Алоҳида уй хўжалиқларининг озиқ-овқат хавфсизлигига асосан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад таъсир кўрсатади, чунки ҳар бир кишининг амалда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишлари даромадларнинг даражасига боғлиқ. Даромадлар ўз навбатида оиладаги ишловчи аъзоларнинг иш ҳақи миқдорига, ногиронлар, пенсионерлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламларининг пенсиялари ва ижтимоий нафақаларига; индивидуал фаолиятдан келадиган даромадларга боғлиқ бўлади. Бунда озиқ-овқат маҳсулотларига кетадиган харажатларнинг реал пул даромадлари билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг, АСМнинг

озик-овқат ва қайта ишлаш саноати маҳсулотлари нархларининг ўзгаришлари билан корреляциялашуви юз беради.


Аҳоли овқатланишининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича қуйи чегараси таркибига маълум бир товар ва хизматлар тўплами киритиладиган минимал истеъмол савати сифатида қараш мумкин.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг муҳим натижавий кўрсаткичи бўлган озиқ-овқатлар саватининг қиймати айнан ўша истеъмол саватидаги маҳсулот тўпламига боғлиқдир. Унинг миқдори аҳолининг муайян гуруҳлари учун уларнинг жинси ва ёшини инобатга олган ҳолда минимал истеъмол меъёрларини товар ишлаб чиқариладиган тармоқда: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш -қишлоқ хўжалиги-қайта ишлаш-маҳсулотни пировард истеъмолчига сотиш соҳасида қарор топган ўртача нархларга кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, турли мамлакатларда минимал истеъмол саватининг меъёрлари илмий асосланган овқатланиш меъёрларидан аҳамиятли даражада фарқланиши мумкин.

Минимал истеъмол саватининг товар ва хизматлар тўпамидан келиб чиққан ҳолда яшаш минимуми аниқланади, у бир киши учун инсоннинг минимал биоижтимоий эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлайдиган минимал истеъмол саватининг қийматига тенг бўлган минимал даромаддан иборат. Шуни инобатга олган ҳолда яшаш минимуми қуйидагилар учун мўлжалланган:



Кўрсатиб ўтилган омилларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига таъсирини озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг қуйидаги кўрсаткичлари асосида баҳолаш мумкин:



Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсатида, асосан, ўзининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ички сотиш бозорларини ривожлантиришга, қисман, чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш асосида аҳолини озиқ-овқатга бўлган мақбул даражадаги эҳтиёжини қондириш кўзда тутилади. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сиёсати ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси ҳамда уларни импорт қилиш даражаларини оқилона уйғунлаштириш, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг кафолатланган имкониятларини яратиш, бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга қодирлиги муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу сиёсат даврий равишда янгиланиб турадиган озиқ-овқат захирасини яратишга ҳам қаратилган бўлади.

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва озиқ-овқат захираларини янада кўпайтириш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган:

1. Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат хавфсизлигини ишончли тарзда, барқарор таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

-қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда илғор технологияларни қўллаш ҳамда сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини янада ошириш орқали сув ресурсларидан самарали фойдаланиш;

-қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини доимий мониторинг қилиб бориш, ердан мақсадсиз ва хўжасизларча фойдаланиш ҳолатларига нисбатан кескин чоралар кўриш ҳамда ерлардан

ёмон фойдаланиш оқибатида уни яроқсиз ҳолатга келтирган субъектларга нисбатан қатъий чоралар кўриш мақсадга мувофиқдир.

2. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида республика қишлоқ хўжалигида таркибий тузилишини ўзгартириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- қишлоқ хўжалиги озиқавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга нест-нобуд қилмасдан етказиб бериш борасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллаш лозим бўлади;

- қишлоқ хўжалиги экинлари навларини республика минтақалари ва ҳудудларининг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда оқилона жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш;

- зараркунандалар ва касалликка чидамли, тезпишар ва юқори ҳосилдор қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлари билан таъминлаш;

-қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экишнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш;

- минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, зараркунандаларга қарши биологик и воситалардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш.

2. Хўжалик юритишнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш амалий жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ер майдонларидан унумли фойдаланишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бунинг натижасида экин майдонларини кенгайтирмасдан, улардан интенсив ва унумли фойдаланишга эришилади.

3.Қишлоқ хўжалиги ер турларини оқилона, тўғри жойлаштириш натижасида тупроқ-иқлим шароитларини, жойнинг рельефини, ишлаб чиқаришни иқтисодий рентабелли ташкил этиш талабларини ва бошқаларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Иқтисодий жиҳатдан асосланган ва ишлаб чиқариш нуқтаи-назаридан, ердан ўта самарали фойдаланишга эришилади. Бу эса, ўз навбатида қишлоқ хўжалигида ер майдонларининг кўпайиши билан баробардир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони.

2. Каримов И.А. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзуида халқаро конференция нинг очилиш маросимидаги нутқи.//Халқ сўзи, 2014 йил 7 июнь.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан кураимиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.

4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Тошкент: “Маънавият”, 2017. – 268 б.

5. Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А. Турсунов. “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги”. Ўқув қўлланма. Т.: “ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмахонаси нашриёти, 2016. – 257 б.

6. Намозов А.. Аграр соҳада инвестициялардан унумли фойдаланиш-давр талаби //О’zbekiston qishloq xo’jaligi Тошкент, 2009.- №6.-. Б. 29.

7. www.icarda.org - Қурғокчилик ҳудудларда қишлоқ хўжалиги тадқиотлари бўйича халқаро маркази (ICARDA)нинг расмий сайти

8. World Population Prospects, the 2010 Revision

9. Gary Bickel, Mark Nord, Cristofer Price, William Hamilton, John Cook Measuring Food Security in the United States. Guide to Measuring Household Food Security. USA ,USDA, 2000.